

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга оид қонунчиликни такомиллаштириш

Ўзбекистонда шаклланган ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик муайян маънода дуалистик ёндашувни ифодалайди. Гап шундаки, ҳисоб-китоб муносабатларга оид қоидалар айтилган пайтда иккита қонун ҳужжати бир хилда ифодаланиш ҳолати мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45-бобида белгиланган қоидалар “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низомда ҳам айнан такрорланган, айрим ўринларда эса бир-бирига зид ёки бир иккинчиси инкор этадиган тарзда белгиланган. Масалан, ФК 793-моддаси 2-қисмида “Мижознинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар мижоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади” – деб ёзилган бўлса, Низомнинг 31-бандида “Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади” – деган норма белгиланган. Кўришиб турибдики, бу ҳолатда тўлов топшириқномасини “ижрога қабул қилиш” ва “қабул қилиш” иборалари ўртасида муайян фарқ мавжуд. Зеро, тўлов топшириқномани қабул қилиш ҳали уни ижрога қаратишни англатмайди. Низомнинг 31-бандидан фарқли равишда ФКнинг 793-моддаси “тўлов топшириқномасини ижрога қабул қилиш” фактига оид нормани назарда тутди.

Шунингдек, ФКнинг 793-моддаси 2-қисмига зид бўлган Низомнинг яна бир нормаси бу 32-банднинг биринчи хатбошисидир. Агар ФКнинг 793-моддаси 2-қисми ижрога қабул қилмаслик фактини “мижоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмас”лиги билан боғласа, Низомнинг 32-банди биринчи хатбошисида “Мижознинг

ҳисобварағида маблағ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, миждознинг солиқлар ва бошқа маждбурий тўловлар бўйича тақдим этган тўлов топшириқномалари банк томонидан қабул қилинади” – деб кўрсатилганки, бу ҳолат ФК талабларига мутлақо зиддир. Чунки, миждознинг ҳисобрақамида пул бўлмаганда ҳолда унинг тўлов топшириқномасини қабул қилиш масаласи Низом билан эмас, ФКнинг 793-моддаси 2-қисмига кўра, миждоз билан банк ўртасидаги шартнома билан белгиланиши зарур. Бундай ҳолда Низомда бошқа тартиб белгиланиши учун ФКнинг 793-моддаси 2-қисмига тегишинча ҳавола киритилиши лозим бўлади.

Мазкур таҳлиллар асосида ФКнинг 793-моддаси 2-қисмини қуйидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

Миждоз билан банк ўртасидаги банк ҳисобварағи шартномасида, шунингдек қонунда, қонунга мувофиқ чиқариладиган банк қоидаларида ҳамда банк амалиётида қўлланилаётган иш муомаласи одатларидаи бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўлов топшириқномаси банк томонидан миждознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади.

ФКнинг 793-моддаси 2-қисмининг бундай тарзда ўзгартирилиши қонун ҳужжатларидаги зиддиятни бартараф этиш билан бирга, қонун ҳужжатларини бир хилда қўллаш ва талқин этиш имкониятини яратади.

Ҳисоб-китоб муносабатларидаги ФК ва Низом ўртасидаги дуалистик жиҳатларга тўхталиб, яна шунга эътибор қаратиш лозимки, ФКда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллариининг кетма-кетлиги Низомда келтирилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллариининг кетма-кетлигидан фарқ қилади. Хусусан, ФКда аккредитивлар билан ҳисоб-китоб қилиш инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилишдан олдин белгилангани ҳолда, Низомда бунинг акси ифодаланган. Бу ҳолат мантиқий ва ҳуқуқий жиҳатдан нечоғли тўғри ёки нотўғрилиги ёки ФК талаблари Низомда нега ҳисобга олинмаганлиги эса бир қадар тушунарсиздир. Зеро, ФК ўзининг иерархияси бўйича Низомдан юқори туради ва Низомни ишлаб чиқишда унинг талаблари ва ёндашуви ҳисобга олиниши зарур. Шу боис “Ўзбекистон Республикасида Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги

Низомнинг тузилишини ўзгартириш, ФКнинг 45-боби талабларидан келиб чиқиб, аккредитивга оид қоидаларни IV-бобда белгиланган “Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб-китоб қилиш”дан сўнг бешинчи боб сифатида V-боб “Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш”ни жойлаштириш, тегишинча, VI-бобга “Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар” ва VII-бобга “Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар”ни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисоб-китобларга оид ФК ва Низомдаги дуалистик ҳолатга яққол мисол ФКнинг 796-моддаси 1-қисми ва Низомнинг 73-бандидаги қоидадир. Зеро, иккала норматив ҳужжат ҳам аккредитив билан ҳисоб-китоб қилишга оид умумий қоида сўзма-сўз такрорланган. Шу боис Низомнинг 73-бандини ўзгартириш ва унда ФКнинг 796-моддаси 1-қисми қоидаларини такрорлаш ўрнига аккредитивнинг ўзига қисқа изоҳ бериб кетиш лозимдир. Зеро, ФКда белгиланган қоидади такрорлаш орқали Низом ўзининг нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шаклини изоҳлашга бўлган ёндашувларидан чекиниши ҳам кўзга ташланади. Чунки, Низомда ҳисоб-китобларнинг ҳар бир шаклига изоҳ беришда тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо ҳисоб-китоб ҳужжати эканлиги белгилангани ҳолда фақат аккредитивга изоҳ беришда ФКда қоидадан фойдаланилган ва бу Низомнинг умумий ёндашувга зиддир. Шу сабабли Низомнинг 73-бандини ўзгартириш ва уни қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишда миждозга хизмат кўрсатувчи аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

ФК ва Низом қоидалар ўртасидаги яна бир зиддиятли ҳолат сифатида ФКнинг 796-моддаси 2-қисми ва Низомнинг 77-банди ўртасидаги номутаносибликдир. Мазкур номутаносиблик қопланган (депонентланган) аккредитив билан ҳисоб-китоб қилишда иштирок этувчиларнинг номланишинг ифодаланиши ва аккредитив тушунчасини ифодалашда

қўлланилган атамалардан фойдаланишдаги фарқларда кўринади. Агар ФКнинг 796-моддаси 2-қисмида “қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт”лиги белгиланган. Низомнинг 77-бандида эса айнан шу норма ифодалангани ҳолда “банк-эмитент” атамаси ўрнига “маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк”, “ижрочи банк” атамаси ўрнига “маблағларни оловчига хизмат кўрсатувчи банк” атамалари қўлланилган.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда, аккредитив очган банк – банк-эмитент деб юритилади ва мижозга хизмат кўрсатувчи ҳар қандай банк ҳам аккредитив очмаслиги мумкин. Мазкур ҳолатларни бартараф этиш учун Низомнинг 77-бандига хатоликни тўғирлаш ва уни қуйидаги мазмунда белгилаш лозим:

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банкнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишга оид Низомда белгиланган қоидаларнинг дастлабкиси ҳисобланган 73-бандда “банк-эмитент” атамаси ишлатилган ҳолда кейинги ўринларда бу атамадан фойдаланилмайди ва унинг ўрнига янги атама “маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк” атамаси қўлланиладики, бу ҳолат ҳам турли ноаниқликлар ва тушунмовчиликларни, шунингдек, “банк-эмитент” – деб аталадиган субъекти мақоми ноаниқлиги кўрсатади. Бундан ташқари, бу вазиятда “банк-эмитент” деган атама аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда Низомнинг кейинги ўринларида фойдаланилмаган экан, унда мазкур атама аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар учун Низомга нега киритилди, деган ҳақли савол туғилиши ҳам табиий. Ушбу саволга жавоб беришдан олдин ФКда аккредитив бўйича ҳисоб-китобларга

оид моддаларда “банк-эмитент” атамасидан оз эмас, кўп эмас 25 марта фойдаланилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Низом эса мазкур атамани бир мартагина эслаб қўйиб, кейинги ўринларда унинг ўрнига фақат “маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк” атамасидан фойдаланган. Энди “ижрочи банк” атамасига келсадиган бўлсак, мазкур атама ФКнинг аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш параграфида 27 маротаба белгиланган бўлса, Низомнинг аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоб қилишга оид VII-бобида бу атама бирор маротаба фойдаланилмаган ва унинг ўрнига “маблағларни оловчига хизмат кўрсатувчи банк” атамаси фойдаланилган. Қонун ҳужжатларидаги атамаларнинг бундай тарзда турлича талқин этилиши фикримизча, турли хилдаги ёндашувларга ва ҳуқуқни қўлловчи учун чалкашликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишга оид ФКнинг 45-боби 3-§ ва Низомнинг VII-боби атамаларини бирхиллаштириш лозим.

Ҳисоб-китобларга оид муносабатларни тартибга солишдаги ФКнинг 45-боби ва “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом ўртасидаги навбатдаги зиддиятли ҳолат чеклар билан ҳисоб-китоб қилишда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, ФКнинг 807-моддаси 1-қисмига кўра, чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз чек дейилади. Бундан фарқли равишда Низомнинг 97-бандида берилган таърифга кўра, чек — чек берувчининг ҳисобварағидан чек оловчининг ҳисобварағига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.

Мазкур иккала норманинг ўзаро фарқи шундаки, агар ФКнинг 807-моддаси 1-қисмида чек “банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириқ” маъносида талқин этилган бўлса, Низомда чек “белгиланган суммани ўтказиш бўйича топшириқ” сифатида талқин этилади. Бинобарин Низомда чекнинг “ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириқ” эканлиги ҳисобга олинмаган ҳолда унинг одатдаги пул тўловини амалга ошириш тўғрисидаги топшириқ эканлиги

белгиланмоқда-ки, бу ҳолат чекнинг тўлов топшириқномаси билан айний тушунчага айланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли чеклар билан ҳисоб-китоб қилишга оид ФК ва Низом талабларининг уйғунлигини таъминлаш, улар ўртасидаги қарама-қарши ҳолатларни бартараф этиш лозим бўлади. Ушбу таҳлил асосида Низомнинг 97-бандини қуйидаги ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

*Чек — чек берувчининг ҳисобварағидан чек олувчининг ҳисобварағига чекда белгиланган суммани ўтказиш бўйича **ҳеч қандай шарт қўйилмаган** топшириқ назарда тутилган ҳисоб-китоб ҳужжати.*

Фикримизча, низомга бундай ўзгартишнинг киритилиши чекни моҳиятини тўғри тушуниш ҳамда қонун ҳужжатлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга хизмат қилади ва уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни қонун асосида амалга оширилиши лозим. Иқтисодий ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаб келинади. Кўплаб хорижий мамлакатларда бу борада махсус қонун қабул қилинган. Масалан, АҚШ, Россия, Украина, Франция, Япония, Германия, Хитой, Қозоғистон каби мамлакатларда қишлоқ хўжалиги тўғрисида қонун самарали ишлаб келмоқда.

КАЗАКОВА ГУЛЗОДА